

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДЕГРАДАЦИЯ ҲОЛАТИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ТИКЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШГА КИРИТИШ

Усманов Юсуф Аликулович
Абдисаматов Отабек Сайдаматович

“Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”

Миллий тадқиқот университети, мустақил изланувчилари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7423862>

Аннотация. Ушбу мақолада ердан фойдаланишни диверсификациялаш шароитида деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритиш механизмлари билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар асосланган.

Калим сўзлар: ердан фойдаланиш, диверсификация, ерларни деградацияси, суғориладиган ерлар, механизм, ҳудудий дастурлар, ерларни шўрланиши.

ВОССТАНОВЛЕНИЕ И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ДЕГРАДИРОВАННЫХ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ В КОНТЕКСТЕ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИЯ

Аннотация. В данной статье представлены предложения и рекомендации, касающиеся восстановления и использования орошаемых земель в деградированном состоянии в условиях диверсификации землепользования.

Ключевые слова: землепользование, диверсификация, деградация земель, орошаемые земли, механизм, территориальные системы, засоление земель.

RESTORATION AND USE OF DEGRADED IRRIGATED LANDS IN THE CONTEXT OF LAND USE DIVERSIFICATION

Abstract. The suggestions and recommendations concerning the restoration and use of irrigated lands in a degraded state in the conditions of land use diversification are presented in this article.

Keywords: land use, diversification, land degradation, irrigated lands, mechanism, territorial systems, land salinization.

Ердан фойдаланишни диверсификациялаш шароитида деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклашнинг мамлакатимизда бу борадаги амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга мос, таъсирчан ва самарали механизмни шакллантириш бугунги куннинг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Шу маънода, ушбу мақолада деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш ва уларни такрор фойдаланиш жараёнига қайтариш бўйича қилинган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган ва бу борадаги таклифлар асосланган. Жаҳонда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари, ерларнинг ярқисиз ҳолатга келиши ХХI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб кўпгина мамлакатлар чўлланиш ва ерларнинг деградацияга учраши муаммоларини бошидан кечираётгани ва унинг оқибатида дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер майдони ярқисиз аҳволга келиб қолгани муаммонинг нечоғли долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. БМТнинг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйича йилига қарийб 6 миллион гектар ер чўлланишга учрамоқда, ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиғи ирригация ва мелиорация ишларида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани сабабли деградацияга учраб, зироатчилик, кишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун мутлоқ ярқисиз ҳолга келтирилган. Бундан ташқари, чўлланиш, ер деградацияси ва курғоқчилик жиддий

иктисодий, ижтимоий ҳамда экологик муаммо бўлиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Чўлланиш оқибатида жаҳоннинг 100 дан ортик мамлакатида истиқомат қилаётган 1,2 миллиард аҳолининг саломатлиги ва фаровонлигига жиддий хавф туғилмоқда.

БМТ маълумотида кўра, чўлланиш дунё аҳолисининг бешдан бир қисмига таҳдид солаётир. Ҳозир дунёдаги куруқлик майдонининг учдан бир қисми чўлга айланиш таҳдиди остида қолган. Дунёда деградация жараёнлари натижасида ҳар йили 7 миллион гектар ер майдони қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетмоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ҳам юқоридаги келтирилган муаммолардан тупроқ шўрланиши, кўчиб юривчи қумлар тарқалиш хавфи, чанг бўронлари ва қурғоқчилик муаммоларига дуч келмоқда. Қишлоқ хўжалик фаолиятида ярқли ер майдонларининг камлиги табиат бойликлари ва ер-сув манбаларидан фойдаланишнинг самарадор янги йўналишларини излаб топишни талаб этмоқда.


Мамлакатимизда чўлланишга қарши курашнинг миллий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастурга кўра, ерлар деградациясининг ҳажмини қисқартириш ёки унинг олдини олиш, чўлланишга дучор бўлган ерларни қайта тиклаш ишларини амалга ошириш лозим. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили чўлланиш ва қурғоқчилик натижасида 42 миллиард долларга яқин қишлоқ хўжалиги экинлари нобуд бўлади. Ҳеч кимга сир эмас, яқин келажакда минтақамизда иқлимнинг исиши кутилмоқда. Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши шароитида Марказий Осиё мамлакатларида сув танқислиги таъсири аллақачон сезила бошлаган. Бунинг оқибатида эса чўлланиш, шўрланиш ва туз шамоллари каби ҳодисалар сони кўпайиб бормоқда. Шунингдек, келажакда иқлимнинг тобора исиб бориши ва чўл зоналарининг кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотлари (буғдой, маккажўҳори, шоли ва ҳоказо) етиштиришга салбий таъсир кўрсатиб, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида ҳам кенг кўламли кўчишлар кузатилиб келинмоқда. Мамлакатимизда ҳам суғориладиган ер майдонлари йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Оролнинг қуриган ҳудудидан туз ва бошқа минерал моддаларнинг шамол орқали тарқалиши, сув тақчиллиги оқибатида чўлланиш даражаси ортаёпти. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида чўлланиш даражаси юқори. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 22 миллион гектар ер чўлланишга мойил ҳудуд ҳисобланса, мавжуд яйловларнинг 43 фоизи эса инқирозга учраб, чўлланиб бўлган. Муаммони тўла ҳис қилмаслик ва унинг ечимига нисбатан бепарволик, соҳага тегишли илмий тадқиқотларнинг камлиги ёки амалиётда улардан фойдаланмаслик оқибатида мазкур масала долзарблигича қолиб кетмоқда.

Ҳудудларда саҳрога чидамли саксовул, қандим, черкез каби ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар барпо этилиши ўзига хос экотизим пайдо бўлиб, иқлим ўзгаришини юмшатади. Чўл зонада озуқабоп ҳисобланган чоғон, терескан, боялич, қайроук каби ўсимликлар кўпайтирилиши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистонда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш йўналишидаги давлат сиёсатининг натижаси ўлароқ фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори 1980 йилларга нисбатан йилига 64 миллиард метр кубдан ўртача 51 миллиард метр кубгача камайтирилди. Дарҳақиқат кўрилаётган барча чора-тадбирлар суғориладиган ерларни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, суғориладиган ерлар умуммиллий бойлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Суғориладиган ерларнинг ер турлари бўйича тақсимланиши юқоридаги 1-расмда келтирилган 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра.

1-расм

Суғориладиган ерларнинг ер турлари бўйича тақсимланиши, минг.га



Кейинги йилларда мамлакатимизда ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини мақбуллаштириш ва уларни ажратишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий бозор механизмлари, инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, республика аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошга тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида охириги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўлчами 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектаргача), ўртача йиллик сув таъминоти даражаси эса 3048 метр кубдан 158,9 метр кубгача қисқарди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг ташкил этилгани, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида республика бўйича 1 миллион 200 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Сув ва ер ресурсларини бошқаришдаги иқтисодий механизмлар ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш каби масалалар доимий эътибордаги масала сифатида қаралмоқда.

Статистик маълумотларига кўра, иқлим ўзгариши, эрозия жараёнлари натижасида йилига ўртача 6-7 млн. га майдондаги ерлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Саноат ва транспорт инфратузулмаси соҳасида амалга оширилаётган қурилишлар, ер ости бойликларини казиб олиш жараёнида ҳосил бўлаётган карьер ва тупроқ уюмлари жадал

суръатлар билан қишлоқ хўжалиги экин ерларини сиқиб чиқариб, ҳайдаладиган ерлар қурилаётган сув омборлари остида қолиб кетмоқда.

Худудларда ўтказилган илмий тадқиқот натижаларига қараганда суғориш сувларининг катта меъёردа ишлатилиши грунт сувлари сатхининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда грунт сувлари кам минерализациялашган (1-3 г/л) майдон 1,5 млн. гектарни, ўртача минерализациялашган (3-5 г/л) 0,7 млн. гектарни ва кучли минерализациялашган (5 г/л) 0,5 млн. гектарни ташкил этмоқда.

Тупроқларнинг унумдорлигига шамол ва сув эрозиялари катта таъсир кўрсатади. Бугунги кунда 2 млн. гектардан ошиқроқ. ер дефляцияга, жумладан, 0,7 млн. гектар ер кучли дефляцияга учраган, 0,5 млн. гектар ерда ирригация эрозияси юз бермоқда. Бундай ерлар тоғ олдида жойлашган вилоятлар, айниқса, Фаргона водийси кўплаб учрайди ва салмоқли қисмини суғориладиган ерлар ташкил этади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари шуни кўрсатадики, эрозия натижасида гектаридан 0,5-0,8 тонна гумус, 100-120 кг азот, 75-100 кг фосфорни ювиб кетиши мумкин. Бу эса суғорилиладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайиб кетишига замин яратади.

Кейинги йилларда суғорма деҳқончилик зоналарида, айниқса Оролбўйи худудларида табиий шароитлар ва инсон хўжалик фаолияти таъсирида турли деградация-ортиқча намланиш, иккиламчи шўрланиш, чўлланиш, шамол ва ирригация эрозияси, оғир металллар ва захарли моддалар билан ифлосланиш, дегумуфикация, ҳайдалма қатламнинг зичлашиши жараёнлари шаклланган, натижада суғориладиган тупроқлар унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайган.


Юқоридаги келтирилган муаммоларнинг амалий ечими сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январьдаги ПҚ-4565-сон «2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 510 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўздаверлойиха” илмий-лойихалаш институти ҳамда “Тупроқ таркиби ва репозиторияси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонаси билан биргаликда 2014-2017 йиллар давомида республика вилоятларининг 93 та туманида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонлари тупроқларнинг шўрланиш даражаларини аниқлаш ва харитага тушириш ишлари амалга оширилган.

Худудларда ўтказилган илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларига кўра, республика бўйича жами 2 млн. 418,8 минг гектар суғориладиган ер майдонларининг 72,1 % турли даражада шўрланганлиги, шундан 38,4 % кучсиз даражада, 22,8 % ўрта даражада, 6,2 % кучли даражада ва 4,7 % жуда кучли даражада шўрланганлиги аниқланган. Жумладан, шўрланган ерлар майдони жами суғориладиган ерларнинг Қорақалпоғистон Республикасида (15 та туман) -91,4%, Бухоро вилоятида (12 та туман) -85,1%, Жиззах вилоятида (7 та туман) -76,4%, Навоий вилоятида (6 та туман) -64,5%, Сирдарё вилоятида (10 та туман) -79,3%; Хоразм вилоятида (10 та туман) 68,8% ни ташкил этади. Кучли шўрланган тупроқлар улуши эса асосан Қорақалпоғистон Республикаси (15,1%) ва Хоразм вилояти (5,9%) ҳиссасига тўғри келаётганлиги аниқланган. 2-расмдаги диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики,

вилоятлар кесимида суғориладиган ерларнинг ҳолати қониқарли даражада эмас. Республикада мавжуд 14 та маъмурий вилоятлар ерларининг деярли барчаси маълум бир даражада шўрланган (2-расм).

2-расм

Республика бўйича суғориладиган ер майдонларининг шўрланиш даражаси вилоятлар кесимида улуши % ҳисобида



Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ўтказилаётган тадқиқот ишларини янада кучайтириш орқали шўрланишнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, ҳудудларнинг табиий шароитларини инобатга олган ҳолда мелиоратив тадбирлар олиб бориш режасини тузиш, соҳада замонавий инновацион технологияларни қўллаш орқали илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш бугунги кунинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Қолаверса, бир қатор туманлар деградация ҳолатидаги суғориладиган экин майдонлари ичида 30-40%, айрим далаларда 50% гача учрайдиган, иккиламчи, кучли шўрланган, пахта ниҳоллари жабрланган, айрим участкаларда биринчи суғоришдаёқ 60-80% гача нобуд бўладиган “шўрхокли доғлар” шаклидаги, махсус агротехник, мелиоратив тадбирлар талаб этувчи ерлар ҳам катта майдонларни ташкил этади. Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, вилоятлар бўйича деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни ҳолати бугунги кун ердан фойдаланиш барқарорлигини таъминлашдаги циклиликка хизмат қилмаяпти. Жумладан, энг асосий муаммолардан бири сифатида ерларни деградация даражасига тушиб қолиши, тупроқларнинг шўрланиш ҳолати йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳудудларнинг табиий шароитларини инобатга олган ҳолда тизимли ташкил этилган мелиоратив тадбирларни олиб бориш, соҳага замонавий инновацион технологияларни қўллаш, шунингдек мақсадли тадбирлар олиб бориш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари республикамиз суғориладиган ерларида гумуснинг пасайиши, чўлланиш, ботқоқланиш, захарланиш, гипсланиш, бегона ўтлар босиши, булғаниш, сув босиши, ифлосланиш, ташлаб кетиш каби салбий ҳолатлар давом этмоқда. Уларнинг ҳисобини юритиш, ҳолатини мониторинг қилиш, олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан барча ер ресурсларини бошқарув даражаларида тизимли ва доимий тавсифга эга комплекс дастурли иш олиб бориш талаб қилинмоқда.

Тадқиқот доирасида муаммони ўрганиш мақсадида, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидаги мавжуд деҳқон ва томорқа хўжаликлари раҳбарлари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилди. Ижтимоий сўровда 146 нафар респондентлар иштирок этган бўлиб, сўров натижаларига кўра респондентларнинг 89 % ҳолати бузилган ерлар бўйича тушунчага эга эмасликлари, 74 % аҳоли ерлар ҳолати бузилишини келтириб чиқарувчи омиллар бўйича билим ва малакага эга эмасликлари, 81 % аҳоли ҳолати бузилган ерларни тиклаш ва яхшилаш бўйича қандай тадбирлар ўтказишни билмасликларини, 86 % аҳоли ҳолати бузилган ерларни тиклашда давлат томонидан молиялаштириш зарурлиги билан боғлиқ фикр ва мулоҳазаларни алоҳида таъкидлаб ўтди.(1-жадвал)

Ушбу ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш ва суғориладиган ер ресурсларидан фойдаланишни диверсификациялаш шароитида ҳолати бузилган суғориладиган ерлар бўйича мониторинг юритиш, уларни тиклаш асосида хорижий давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда уларни тиклаш ташкилий-иқтисодий чораларининг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг муҳим долзарб масаласи ҳисобланади. Қолаверса, кейинги йилларда суғориладиган ҳудудларда ҳолати бузилган ерларни тиклаш мақсадида илғор технологиялардан фойдаланишга кам эътибор берилмоқда.

1-жадвал

Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидаги деҳқон ва томорқа хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижалари (2018 йил июль-август ойлари ҳолатига)

Тадқиқот ўтказилган деҳқон ва томорқа хўжаликлари сони - 146 та			
Савол	Респондентларнинг жавоблари		
	Жавоб вариантлари	Сони	%
Ҳолати бузилган ерлар деганда қандай ерларни тушунаси?	Эга эмас	130	89
	Эга	16	11
Ерлар ҳолати бузилишининг келтириб чиқарувчи омилларни биласизми?	Ҳа	38	26
	Йўқ	108	74
Деҳқон ёки томорқа хўжалигингизда ҳолати бузилган ерларни тиклаш учун давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш зарурми?	Ҳа, албатта	126	86
	Йўқ	20	14

Энг муҳими, суғориладиган бузилган ерлар ҳисобидан қанча қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва иш жойлари йўқотилаяпти, даромадларнинг шаклланиши амалга ошмай қолмоқда каби саволларнинг жавобини тўғри ва аниқ топиш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни чуқур модернизация қилиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш билан бир қаторда суғориладиган ерлардан фойдаланишни диверсификация қилиш шароитида уларни муҳофаза қилиш, айниқса деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш чораларини ҳам амалга оширишни талаб қилмоқда. Чунки қишлоқ хўжалигида бир

экин турини суғориладиган ерлар сифат ва технологик хусусиятлари ўзига хос талабини эътиборга олган ҳолда жойлаштириш жараёнида бир вақтнинг ўзида деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш механизмларини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклашда айниқса, алмашлаб экиш ҳудудини ташкил этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Алмашлаб экиш натижасида деҳқончилик самарадорлигини ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, ҳайдалма ерлар–қишлоқ хўжалик корхонасининг асосий ва энг унумли ерлари ҳисобланади, бу ерлар алмашлаб экиш натижасида ерларни унумдор қатлами ошади, экинларни ҳосилдорлиги ошишига катта таъсир кўрсатади. Мазкур ёндашувлар юзасидан юқоридаги таъкидлаб ўтилган муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш юзасидан деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклашнинг барқарорлигини таъминлашга қуйидаги йўллар орқали эришилади:

деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни идора ва (тармоқ) идоралараро алоҳида ҳисобини юритишни такомиллаштириш натижасида ушбу ерлар бўйича ягона ҳисоб тизимини шакллантириш;

деградация ҳолатидаги суғориладиган ерлар юзасидан навбатчи электрон карталарни яратиш орқали уларни тиклаш ва фойдаланишга киритишни оператив бошқариш ва мониторинг қилиш тизимини шакллантириш натижасида уларнинг навбатлилиги, манзиллилиги, маълумотларининг ишончилиги таъминланади;

деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритиш услублари аниқланди (такомиллаштирилди) ва уларнинг техник-иқтисодий асосномаларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар асосланди;

деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш фойдаланишга киритиш чораларининг ҳудудий инвестиция дастурини шакллантириш бўйича услубиёт ишлаб чиқиш;

деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш чораларини давлат инвестиция дастурига киритиш учун асослар яратилади;

деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш юзасидан республика ва ҳудудий даражада тизимли ва комплекс чораларни қамраб олган дастурлар яратилади. Ушбу йўллар орқали мазкур дастурни амалга ошириш, ўз навбатида, деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш ишлари билан бир қаторда ушбу ерлардан олинadиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва ташкил этиладиган иш жойлари сони ошиши ва қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳоли бандлиги таъминланади. Қолаверса, истиқболда деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш натижасида уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий таракқиётида тутган ўрни мустаҳкамланади. Бу эса, бизнингча биринчи навбатда, ушбу ҳудудий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш ишларини инфратузилма тармоқларини ривожлантиришга эътибор қаратиш, иккинчидан, деградация ҳолатидаги ерлар барқарорлигини таъминлаш ва уларни такрор ишлаб чиқаришнинг замонавий механизмларини ҳам жорий қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикамиздаги деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни тиклаш ишлари механизмини қайта кўриб чиқиш ва ҳудудий дастурини ишлаб чиқишни асослаш орқали ҳудудий иқтисодиёт хусусиятларини ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш ҳамда илмий салоҳиятни жалб этган ҳолда юқоридаги

тизимли муаммоларни ҳал қилувчи илмий-амалий таклиф ва тавсияларини ишлаб чиқиш, бу борадаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-техник механизмларини ва хорижий тажрибалар ўрганиш ҳамда республикамиз учун мос келувчи уларни жиҳатлари чуқур ўрганиш ва қўллаш, бугунги кунинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон, «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. Тошкент, 2019 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон, «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида» ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. “Давергеодезкадастр” қўмитаси.-Тошкент, 2020 й.
4. Иқлим ўзгариши шароитида ер ресурсларини барқарор бошқариш. Республика илмий-амалий семинар мақолалари материаллари.-Тошкент, 2017 й.
5. Х.Шукурлаев. Ерлар рекультивацияси ва муҳофазаси.-Тошкент, 2009 й, 128 б.
6. А.Алтиев. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. Тошкент, 2018й. Монография. 234 б.
7. Transfer equation for the strain rate tensor and description of an incompressible dispersed mixture (incompressible fluid) by a system of equations of dynamic type Yuldashov, Askar; Abdisamatov, Otabek; Abdullaev, Behzod; Dustova, Salima. E3SWebofConferences;Les lis, Том 264, (2021). DOI:10.1051/e3sconf/202126403025
8. Optimization of agricultural lands in land equipment projects. Fayzullo R Khamidov, Shavkat J Imomov, Otabek S Abdisamatov, Maqsud M Sarimsaqov, Gulnora Kh Ibragimova, Khurshida I Kurbonova Journal of Critical Reviews 1021-1023
9. Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашда замонавий геодезик технологияларни қўллаш. Ассис. О.С.Абдисаматов ассис.А.Жураев ассис.И.Каримов “ Халқаро ер куни” муносабати билан “ Ер ресурсларини бошқариш ва муҳофаза қилишда инновацион ёндошувлар: муаммо ва креатив ечимлар” мавзусида республика илмий-амалий Тошкент 2019 йил 22-23 апрель 316-319-бет.
10. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларидан самарали фойдаланишда инновацион технологияларни жорий этиш. О.Абдисаматов, У.Исломов, Ф. Юсупов Илмий-амалий агроиқтисодий журнали 2019й. 151-153-бет.
11. Usmonov M. T. Virtual Protected Networks. International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR) ISSN: 2643-9123 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 55-57.
12. Usmonov M. T. What Is Solving The Problem? Methods of Solving Text Problems. International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN: 2643-640X Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 56-58.
13. Usmonov M. T. Solving Problems In Arithmetic Methods. International Journal of Academic Information Systems Research (IJASIR) ISSN: 2643-9026 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 58-61.
14. Usmonov M. T. Stenographic Protection of Information. International Journal of Academic and Applied Research (IJAAAR) ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 31-35.

15. Usmonov M. T. Telecommunications and Network Security. *International Journal of Academic Engineering Research (IJAER)* ISSN: 2643-9085 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 57-61.
16. Usmonov M. T. The Concept of Compatibility, Actions on Compatibility. *International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR)* ISSN: 2643-9670 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 10-13.
17. Usmonov M. T. The Concept Of National Security. *International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR)* ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 73-75.
18. Usmonov M. T. The Concept of Number. The Establishment of the Concept of Natural Number and Zero. *International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR)* ISSN: 2643-9670 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 18-21.
19. Usmonov M. T. The Concept of Relationship. Characteristics of Relationships. *International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR)* ISSN: 2643-9670 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 38-40.
20. Usmonov M. T. The Concept of Size and Measurement. *International Journal of Academic Information Systems Research (JAISR)* ISSN: 2643-9026 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 36-40.
21. Usmonov M. T. The Emergence and Development of Methods of Writing All Negative Numbers. *International Journal of Academic Information Systems Research (JAISR)* ISSN: 2643-9026 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 48-50.